

“АНТИГРИПИН -Нео” ТАБЛЕТКАЛАРИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ФАОЛ СУБСТАНЦИЯЛАРНИНГ МИКРОСКОПИК ТУЗИЛИШНИ ҲАМ ЎРГАНИШ

Д.Т.Элмуродов, О.М.Эрназаров, Х.К.Жалилов

Тошкент фармацевтика институти;

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош
бошқармаси, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: аҳоли орасида шомоллаш билан кечадиган гриппоз ҳолатларида, шунингдек грипп касаллиги билан касалланганда симптоматик даволаш мақсадида турли яллиғланишга қарши, иситма туширувчи, оғриқ қолдирувчи дори воситаларини алоҳида ёки мажмуавий ҳолда кенг қўлланилади. Танлаб олинган субстанцияларни микроскопик тузилишини ўрганишни мақсад қилиб олинди.

Усуллар: Дастлабки тадқиқотларимизда “Антигрипин-Нео” таблеткалари таркибига кирувчи субстанцияларнинг микроскопик тадқиқотлари амалга оширилди. Тадқиқотлар УМО- 1 микроскоп ёрдамида 200 маратоба катталаштирилган ҳолатда, бир вақтнинг ўзида заррачалар расмини олиш билан амалга оширилди.

Натижалар: “Антигрипин-Нео” таблеткалари таркибига кирувчи фаол субстанцияларнинг микроскопик тадқиқотлар натижалардан кўриниб турибдики, “Антигрипин-Нео” таблеткалари таркибига кирувчи барча фаол субстанциялар анизодиаметрик шаклдаги кристаллардан иборат бўлиб, шу жумладан парацетамол, ацетилсалицил кислотаси ва кофеин моддаларининг заррачаларининг игнасимон кўринишдаги монокристаллардан, дибазол заррачалари пластинкасимон монокристаллардан, фенпиверин бромид призмасимон монокристаллардан иборатлиги, аскорбин кислотаси заррачалари эса кубсимон ва призмасимон поликристаллардан иборатлиги тажрибалар натижасида ўрганиб чиқилди. Тадқиқотлар учун олинган субстанциялар намуналари ўз ўлчамларига кўра ўзаро кескин фарқланади. Масалан парацетамолнинг заррачалари бўйи ўртача $30,2 \pm 0,95$ мкм, эни эса $10,1 \pm 0,98$ мкм га тенг бўлган ҳолатида унинг шакл омили $2,99$ мкм ташкил этади. Аспирин ва фенпиверин бромид заррачалари нисбатан каттароқ ўлчамларга эга бўлса, кофеин субстанцияси заррачалари эса анча майда, бўйи $5,00 \pm 0,05$ мкм эни $1,75 \pm 0,01$ мкм га тенглиги ва бу ҳолатда шакл омили $2,85$ бўлишилиги аниқланди.

Хулосалар: “Антигрипин-Нео” таблеткаларини таркибига кирувчи фаол субстанцияларнинг микроскопик тузилишини ўрганиб чиқилганда, ҳар бир модданинг кристаллик тузилиши ҳар хил бўлиб,

улар технологик жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Технологик жараёни яхшилаш мақсадида фаол субстанцияларни майдалаш ва ёрдамчи моддаларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.